

Тунги соат иккида, керосинли чирок ёругида кўйлак тикиш жудаям кийин. Боз устига кеча кечкурун Елмор амакиси яна калтаклаган Жейн Хиббинснинг оркаси хамон зиркираб огрирди.

Аслида Жейн айбдор эмасди. Хар доимгидек, шунчаки бир кеча-кундузда бор-йўги йигирма тўрт соат бор ва Жейн бу вақт ичида Елмор амакиси унинг елкасига юклаб ташлаган юмушларни бажариб улгуролмасди. Жейн ноилож ахволда колганди. Ота-онаси ўлиб, Елмор амаки уларнинг уйига эга бўлиб олганидан бери Жейннинг хаёти хакикий азобга айланганди. Жейн сал нотўғри караб колса хам амакиси дархол камчига ёпишарди.

Бугун у Чатаногага кетишни режалаштирган. “Иш юзасидан!” – деганди ўзи. Аммо анчадан бери унинг ҳеч қандай иши йўқ эди. Уйдан чиқиш олдидан амакиси тўсатдан бугун унинг тугилгани куни эканлигини эслаб колди.

– Сенга совга сотиб олишим керак, – деди у. – Аммо бунинг учун сен яхши ишлашинг керак.

– Ха, сэр, – итоаткорлик билан жавоб берди киз.

– Мен йўгимда шўхлик килма! Неча ёшга киряпсан ўзи?

– Ўн саккизга.

– Нимаям дердим, бари бир, бу сени камчидан асраб колломайди. Сен бу тоғлардаги энг чиройли кизсан. Аммо камарим сени согиниб колган. Тезрок ишлашни ўрганишинг лозим, Жейн Хиббинс.

– Албатта, ўрганиб оламан, Елмор амаки.

– Йўл олдидан менга “ой нури”дан келтириб бер-чи!

Жейн шошганча каттакон идишни олди ва қадахга жўхори арагидан куйди. Амакиси ичиб олгач, шалоги чиккан эски машинасига ўтирди ва кизга караб бармоги билан пўписа килди:

– Кара, девордаги камар бекорга осилиб тургани йўқ. Мени биласан-а?..

У жўнаб кетди. Хамон эшик олдидан турган Жейн машинадан нигоҳини узолмасди. Кояли тоғлар оралаб биланглаб кетган тор йўл аста-секин пастлаб, Чатаногага олиб борадиган катта йўлга уланарди.

Хозир эса тун эди. Жейн сўнгги чокни тикди ва кўйлакни шкафга осиб кўйди. Кўшни хонадаги соат учга занг урди. Жейн сакраб турди, чирокни пуфлаб ўчирди ва дераза олдига югуриб борди.

Чатаногага борадиган автобус айна шу вақтда Пини-Рейждан ўтарди. Жейн ойнадан автобусга карашни ёктирарди. У пули кўп бўлишини, шу автобусда Чатаногага кочиб кетишни ва Елмор амаки хакида бутунлай унутиб юборишни истарди. Балки Чатаногада уни хар томондан арак хиди таъкиб килмас? Баданини ларзага соладиган огир камар эса бўлмаслиги аник...

Тўлин ой нурларини аямай сочар ва бутун Пини-Рейж худди кафтдагидек аник-тиник кўриниб турарди. Аммо Жейн ой ёругида кўрган нарса уни автобус хакида буткул унутишга мажбур килди. Тоғ йўлидан чирокларини ёккан автомобил гизиллаб келарди. У “Хитой дарёси гори” деб аталувчи горнинг шундоқкина кириш жойи олдидан тўхтади. Жейн болалигида кўпинча шу горнинг олдидан ўйнар, шу сабабли хам уни беш бармогидек яхши биларди. Машинадан икки киши тушди. Уларнинг соялари автомобилнинг соясига кўшилиб кетарди, аммо улар гор томон юришганида улар яна бир одамни кўлтигидан ушлаб судраб келишаётгани маълум бўлди. Одамлар коп-коронги горга кириб, кўздан йўқолишди. Тез орада қайтиб чиқишди, машинадан қандайдир коп

олишди ва уни гор томон олиб кетишди. Бу сафар улар анчагина узок қолиб кетишди, кейин эса бўш кўл билан қайтиб чиқишди. Кейин икковлон машинага ўтириб, жўнаб кетишди.

Жейн кўзларини катта-катта очганча ўша томонга тикилди. Горга кириш жойи кулранг-кумуш тусли қоялар орасида қора ямоқдек аниқ кўзга ташланарди.

“Хозир у ёкка бориш учун тентак бўлиш лозим, – деб ўйлади киз ўзича. – Бу ҳақда ўйлашнинг ўзиёқ гирт тентаклик!”

Жейн шундай деб ўйлаганча керосинли чирокни олди ва гор томон йўналди. У ўз ҳаёти давомида бу йўлдан бир неча минглаб марта югуриб, тиканли тўсиклар ва тузок-чукурлардан хатлаб ўтган эди. У Елмор амакига нега керак бўлиб қолдйкан? Балки амакиси солиқчилардан ва маҳаллий шериф Орви Лунсидан қутулмоқчи бўлгандир?

Хитой дарёси гори бунақанги галати ном олганининг сабаби шунда эдики, унинг ичидан чуқур ер остига кириб кетадиган шошқин дарё оқиб ўтарди. Балки бу дарё ҳақиқатан ҳам Хитойгача етиб борар...

Тўгри, гор аслида унчалик катта эмас. Ичи ихчамроқ уйдек келади. Жейн кўлчирокни ёқди, уни тош устига қўйди ва атрофига аланглади, аммо эътиборни тортадиган ҳеч нарсани кўрмади. Жейн ҳар бир ўйдим-чуқурни беш бармоғидек биларди. Бу ерда одам танаси тугул хатто қопни ҳам яшириш учун ҳам қаллани анчагина қотириш керак бўларди. Киз кўл чирогини олиб, горнинг нариги чеккасида шарқираб оқётган дарё томон юрди. Сув шовуллаганча қаёкқадир гизиллаб чопарди. Кизнинг назарида сув биқирлаб қайнаётгандек бўлиб туйилди. Ўша одамга нима бўлганини тасаввур қилган Жейн титраб кетди. Дахшатли оқим кўз очиб-юмгунча қора тешиқ томон тортиб кетган ва энди у охири йўқ ер ости лабиринтида улоқиб юргандир...

Жейн кетиш учун орқасига ўгирилганида, оёқлари остидаги тупроқ орасидан нимадир ярақлаб кўринди. У эгилди ва бўйинбоғга тақиладиган ингичка олтин тўгноғични кўрди, унга ўйиб “Дюк” деб ёзилганди. Жейн ҳаёлчанлик билан тўгноғични кўздан кечирди ва уни дарёга улоқтирди. Жейн бу тўгноғични кўрганлигини қимдир билиши шартми? Жейн кўлчирокни ўчирди ва гордан чиқиб кетди.

Бурилишдан машина чирокларининг нури кўзга урилди. Машина ҳали олисда эди, аммо жуда тез яқинлашарди. Жейн Елмор амакиси қайтаётганини билар ва агар кўнгилсизликларни истамаса, ундан олдинроқ уйга етиб бориши кераклигини ҳам тушунарди.

“Яхшиямки, этакларим қалтагина”, – деб ўйлади Жейн Курбақадарадан гизиллаб қопиб ўтиб, ёнбағир бўйлаб тепага чиқа бошлаганида. Шу жойдан Елмор амакининг ерлари бошланади. У бунақанги тезликда хатто кундузи ҳам чопа олмаган бўларди. Киз жон жаҳди билан югурганча симтўсик ва тузок-ўралар устидан сакраб ўтарди. Уларни айланиб ўтишга вақт йўқ. Машина чироклари уй зинапоясини ёритишидан бир соғия аввал киз уйнинг ортига ўтиб кетишга улгурганди. Машина ховлига кириб тўхтади. Жейн бу вақтда ётоқхонасининг деразасидан кириб олганди. Қол тахталари гичирлади ва Елмор амакиси қичкириб сўқинганча уй эшигини тараклатиб ура бошлади.

– Хой, турсанг-чи! – қичқирарди у мастона овозда.

– Сизмисиз, Елмор амаки? – сўради у ўзини уйқусираганга солиб.

– Мендан бошқа яна қим бўлиши мумкин?! – ўшқирди амакиси. – Бу ёкка қик, қизалоқ!

Мехмон келди.

Жейн ўзини қийинаётгандек қилиб кўрсатиш учун яна бироз қутди, кейин ётоқхонадан

аста мўралади.

– Егулик келтир! – ўширди амаки. – Бўл, тезрок!

У калбош ва кемшик, аммо елкалари кенг ва миктидан келган одам эди. Кўлларини кимирлатгани хамони чармдек каттик териси остида пўлатдек мушаклари илондек буралиб кетарди. Хакикатан хам ошхонада бир йигит ўтирарди.

– Тезрок кимирла, Жейн Хиббинс, – хахолаб кулиб деди амакиси. – Пиширилган гўшт, тухум, ишкилиб, топганингни олиб келавер!

– Хўп бўлади, сэр, – итоаткорлик билан деди Жейн ва буйрукни бажаришга шошилди. Йигит корасоч, коракўз бўлиб, Елморнинг аксича жуда хушрўй эди. Жейнни кўрган йигит ўрнидан туришга шошилди. Аммо амакиси уни тўхтатди.

– Ўтиравер! Бу менинг жияним Жейн Жун.

– Ё, тавба! – хитоб килди йигит.

– Сенга нима бўлди, Барт? – сўради амаки.

– Жиянинг бунчалар гўзаллиги хакида сира гапирмагандинг-ку! – деди Барт ўчок олдида куймаланаётган Жейндан кўзини узмай.

– Кўлидан бир иш келмайдиган лапашанг бўлганидан кейин хусни-жамолидан нима фойда? – тўнгиллади Елмор амаки ва Жейнга юзланди: – Радиони ёк-чи! Балки мусика бериб қолишар. Ёки биронта кизикрок нарса бордир, нима дединг, Барт?

– Эхтимол, – деди Барт кўзини киздан узмай. Кейин кўшиб кўйди: – Менинг исмим Барт Коннор.

– Сиз билан танишганимдан хурсандман, жаноб Коннор, – жавоб берди Жейн.

Гитаранинг тингиллаши хонани тўлдирди ва Елмор амаки радиони ўчириш учун унинг овозини пасайтирди.

– Бизга “ой нури”дан олиб келгин, кизим, – илтимос килди амакиси.

Жейн столга графинда виски ва иккита каттакон қадах кўйди.

– Куёвинг борми, Жейн Жун? – сўради Барт.

– Йўк, сэр.

Елмор амаки пикиллаб кулиб юборди.

– Барт, нима бало, илгари кизларни кўрмаганмисан?

– Миллионтасини кўлдан ўтказганман-у, аммо бунакасини...

– Жим! – паст овозда ўширди амаки унга. – Кулок сол...

У кўлидаги қадахини кўтарди, аммо ичмади – радиога тикилганча котди-колди.

“...Чатанога полицияси казинони тунаб кетган ва унинг эгаси Дюк Махэннани ўгирлаган жиноятчиларнинг изига тушганича йўк, – дерди сухандон. – Сейфда ўттиз минг доллар бўлган... Энди, об-хаво хабарларига ўтамиз...”

Елмор амаки радиони ўчирди ва икки хўплашда қадахдаги “ой нури”ни куритди. Кейин Бартга кўз кисиб кўйди.

Жейн Жун казино эгасини ўгирлаган ва сейфдаги пулларни олиб кетганлар кимлини энди аниқ биларди.

– Елмор амаки, уйкум келяпти, – чўзиб деди у.

– Бироз биз билан ўтир! – таклиф килди Барт.

– Бизнинг ёнимизда унга нима бор? – тўнгиллади амакиси. – Кўй, ухласин, акс холда эртага уйкусираган пашшага ўхшаб юради. Бор ухла, Жейн Хиббинс!

– Рахмат, сэр!

Жейн ўз хонасига ўтди, эшикнинг зулфинини суриб кўйди ва ечинмасданок ўзини ўринга ташлади. У ярим соатча ошхонадан келаётган овозларга кулок тутиб ётди.

Овозлар борган сари секинлашиб борарди. Нихоят жўровозли хуррак янгради. Жейннинг юраги гупиллаб уриб кетди, у эшик тиркишидан мўралаб, амакиси тахта ўриндикда чўзилганча Барт эса столга бош кўйганча ухлашаётганини кўрди.

Жейн деразадан ошиб тушаркан, Елмор амакиси ва унинг Барт исмли ёшгина огайниси дарёга нафакат бечора Дюкнинг жасадини, балки ўттиз минг доллар солинган копни ҳам ташлаб юборишганини тахмин килганида адашмаганини тушунди. У ўша ўттиз минг долларни каердан излаш кераклигини биларди.

Горда Жейн кўлчирокни дарё киргогидаги тош устига кўйди ва корнида ётганча ўнг кўлини иложи борича чуқуррок сувга тикди. Бу жойда ясси бўртик бўлиб, оким йўлини тўсиб турарди.

Киз тош атрофига ўралган каттик сим арконни ушлади ва бир амаллаб каттакон пластик копни тортиб чикарди. Коп ичи тўла эди.

Жейн копни ечишга уринди, аммо кутилмаганда кадам товушлари эшитилди. У кимирламай, хатто нафас ҳам олмай кутиб турди. Кадам товушлари тобора гор томон якинлашарди.

Бу Елмор амаки бўлиши мумкин эди. Ёки Бартмикин? У ким бўлишидан катъи назар, уни ўлдиради. Худди Дюк сингари ўлдиради, танасини эса дарёга улоктиради.

Тўсатдан хаёлига бир фикр келди: ўша одам кўлчирок ёругини пайкаган бўлса-я?! Демак, кочиби колишнинг фойдаси йўқ. Аммо яшириниш учун ҳам кеч эмас. Дарёга яшириниш керак! Хўл кийимлари уни билдириб кўйиши мумкин эди, шу сабабли ҳам Жейн тезгина кийимларини ечди. Кўйлагини иккита тош орасига кистирди, копни дарёга улоктирди ва ўзи ҳам ўша жойга – бўртик тош ёнига шўнгиди. Бу ерда сув шовуллаб окарди ва Жейн иккала кўли билан тошга ёпишиб олди, акс холда оким уни дахшатли тешик томон окизиби кетиши мумкин эди. У ёқдан эса чикишнинг иложи йўқ, факат ер остида мангу колиби кетиш мумкин, холос.

Гор деворлари орасида кадам товушлари гумбурлади, кейин у Елмор амакиси сўкинаётганини эшитди. Тушунарли, бу ерда ҳеч кимни “кўлга туширмагани”дан амакисининг хафсаласи пир бўлган. Амакиси тинмай сўкинганча сим арконга боғланган копни сувдан тортиб чикарди. Кутилмаганда амакиси сўкинишдан тўхтади ва кескин овозда деди:

– Барт! Келганингни эшитмай колибман.

– Мана, жиноят устида кўлга тушдинг, – таъкидлаб деди Барт.

– Нималар деяпсан? – ажабланди Елмор.

Барт кулиб юборди.

– Мени алдашингни билардим-у, аммо бунчалик тез юз беради деб ўйламагандим.

– Хой, Барт, эсинг жойидами? – кичкирди амакиси. – Пичогингни торт!

– Кунинг битди, Елмор, – деди Барт.

– Мен факат текширмокчи бўлгандим, – титрок овозда деди амаки. – Назаримда кимдир бизнинг пулларимизни ўгирламокчи бўлаётгандек туйилди. Горда чирок нурини кўрдим!

– Алдаяпсан! – деди Барт.

– Пичокни ташла! – кичкирди Елмор. – Менга якинлашма! Барт, онт ичаманки...

– Алвидо, Елмор!

Елмор амакининг танаси Жейннинг ёнидаги сувга шалоплаб тушди. Бу кутилмаган холатдан кўркиб кетган киз кичкириб юборди. Айни шу дамда Бартнинг кучли кўллари Жейнни киргокка тортиб чикарди.

Аммо Барт кизни тортиб чиқариб, унинг мутлако ялангоч эканлигини кўрганида, кутилмаган холатдан довдираб, кўлларини кўйиб юборди. Жейн унинг кўлидан чиқиб, гор огзи томон югурди. Барт Жейнни тутишга уринди, аммо унинг кўллари кизнинг ялангоч хўл баданидан сирғалиб кетди.

Киз ёнбагир бўйлаб пастга томон ўқдек отилди, Барт хам хам унинг ортидан изма-из келарди.

Тезрок уйга етиб бориб, девордаги милтикни кўлга олиш керак! Факат шундагина у ўзини химоя кила олади.

Кутилмаганда киз куюк хўл ўтлар устида сирганиб кетди ва ерга йиқилиб тушди. Бир зумдаёқ ўрnidан туриб, яна югура кетди, аммо энди Барт анча яқинлашиб колганди. Киз ортига ўгирилиб, унинг кўлида пичок яраклаганини кўрди. Бу кетишда уйигача етиб боролмайди, шекилли. Бир сониядан сўнг пичок тиги кураклари орасига санчилади...

Айни шу пайт Жейннинг хаёлига кутқарувчи фикр келди. Кудуклар! Елмор амаки ўз ерида тузук-ўралар казиб, устини хас-хашаклар билан никоблаб кўйганди.

Энг яқиндаги кудук ўн кадамча нарида эди. Киз кескин бурилди-да, Барт йиқилиб тушармикан деган умидда кудукнинг устидан сакраб ўтди. Аммо унинг таъкибчиси ўрадан бир энлик наридан югуриб ўтиб кетди.

Энди сўнги умиди тиканли тўсиқдан эди. Жейн куюк ўтлар орасида ярим қаричча баландликда тортилган сим устидан сакраб ўтаркан, оркасидаги Бартнинг нафасини туйди. Бартнинг оёғи ўткир пўлат тиканга илинди-ю, у ерга йиқилиб, думалаб кетди.

Жейн уйига югуриб кирди-да, милтигини девордан олди ва яна кўчага югуриб чикди. У Бартни ўлдириши керак эди. Акс холда йигит уни ўлдирарди. Аммо Барт ўша йиқилган жойида кимирламай чўзилиб ётарди. Жейн аста-секин одимлаганча унинг ёнига яқинлашди ва йигитнинг боши жуда галати кийшайиб турганини кўрди. У жонсиз эди. Йиқилиб тушаётганида Бартнинг бўйни синиб кетганди.

Жейн унинг тепасида нима килишини билмай узок турди. Кейин у бир қарорга келди. Бартнинг танасини ёнбагирдан судраб туриш кийин эмасди. Курбакадарадаги хўл ўтлар бу ишни анча енгиллаштирганди. Аммо гор қаршисидаги тепаликка чиқаётганида анчагина терлашига тўғри келди. У ёғи эса тезгина бўлиб кетади...

Бир соатлардан сўнг, янги кўйлак кийган Жейн Жун Хиббинс йўл чеккасида Елмор амакисининг эскириб кетган жомадончасини махкам ушлаб турарди. Тонгги туман орасидан автобус кўринганида, киз шоша-пиша кўл силкиди.

Жейн бўш жой топиб ўтирди-да, жомадонини тиззасига авайлаб кўйди. Автобус кирганча Чатаногога элтувчи йўлдан гизиллаб кетди.

– Вой-бў, бу кизнинг эски жомадонга ёпишиб олганини кўр-а! – Жейннинг рўпарасида ўтирган йўловчи аёл шеригига шивирлади. – Гўё жомадони тўла пулдек!.. **Хуршид**

**Тожибоев таржимаси**